ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc. 30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ДИЛМУРОД РОЗМЕТОВИЧ

СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

12.00.03. – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК:338.46:368:347
347.45(575.1)

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Махмудов Дилмурод Розметович
Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш…… 3

Махмудов Дилмурод Розметович
Гражданско-правовое регулирование оказание страховых услуг профессиональных участников страхового рынка……..... 25

Maxmudov Dilmurod Rozmetovich
Civil-legal regulation of insurance services from insurance marketparticipants……. 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc. 30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ДИЛМУРОД РОЗМЕТОВИЧ

СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

12.00.03. – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.1.PhD/Yu152 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Нарматов Нуриддин Соатмурадович** юридик фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Насриев Илхом Исмаилович** юридик фанлар доктори, профессор
	Эргашев Восит Ёқубович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси**

Диссертация ҳимояси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича DSc.30.08.2018.Yu.74.01рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «11» декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани Чорсу қўрғони. Тел.: (998971) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

Докторлик диссертацияси билан Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани Чорсу қўрғони. Тел.: (998971) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____да тарқатилди.

(2018 йил «___» ноябрдаги __рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ю.ф.д., профессор

М.М.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
Илмий котиби, ю.ф.н., доцент

М.Б.Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ю.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнида замонавий бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми ҳисобланган суғурта билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи халқаро аҳамиятга эга бўлган қоидаларни изчил ривожлантириш ҳамда улар асосида барча давлатлардаги суғурта компаниялари учун амал қилувчи миллий қонунчиликни шакллантириш бугунги кун давр талабига айланмоқда. Хусусан, хатарларни суғурталаш бўйича суғурта мукофотларни жаҳон миқёсида 2016 йилда 2,4 фоизга, 2017 йилда 2,2 фоизга ўсган бўлса, 2018 йилда 3 фоизга ўсиши кутилмоқда[1]. Айни пайтда, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби ривожланган мамлакатларда ҳам миллий суғурта бозорларининг ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда[2]. Бу кўрсатгичлар суғурта соҳасини тартибга солиб турувчи халқаро қоидаларни, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг мақомини ҳуқуқий тартибга солиш миллий конструкцияларни такомиллаштириш ҳамда уларни ўзаро яқинлаштириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳон миқёсида юридик ва жисмоний шахсларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, барқарорлик ва таваккалчиликни хавфдан муҳофаза қилиш соҳаларида суғуртанинг ролини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш истиқболларини тадқиқ этиш, суғурта шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, соҳада учраётган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш, халқаро қоидаларга миллий қонунчиликни мослаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Республикамиз миллий иқтисодиётини ривожлантириш шароитида суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг тараққий эттиришдаги роли ва ўрнини оширишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан, «суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш»[3] мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган

---

[1] Global insurance review and out look for 2017/2018 // http://sb-malakut.com.ua

[2] *Изоҳ*: Суғурта бозори АҚШда – 2016 йилда 2,3 фоизга, 2017 йилда 1,3 фоизга, Буюк Британияда – 2016 йилда 1,5 фоизга, 2017 йилда 0,3 фоизга, Германияда – 2016 йилда 2,5 фоизга, 2017 йилда 0,9 фоизга ўсган. 2018 йилда эса АҚШда – 1,5 фоизга, Буюк Британияда – 1,4 фоизга, Германияда – 1,1 фоизга ўсиши кутилмоқда / «Global insurance review and out look for 2017/2018» // http://sb-malakut.com.ua

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизими, суғурта бозори субъектларининг фаолияти ва суғурта шартномаларининг ўзаро боғлиқлигини чуқур ўрганиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 октябрдаги ПҚ-3317-сон «Кафолат суғурта компанияси акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сон «Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада таъминлашга мазкур диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, соҳада шартномавий муносабатларни ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Республикасида етарли даражада ўрганилмаган.

Хорижлик олимлардан Ж.Сломан (J.Sloman), М.Сутглиф (M.Sutcliffe)лар суғуртанинг юзага келиш асослари ҳамда унинг вазифаларини, Жюллио де ла Морандьер (Julliodela Morander) суғуртага оид қонунларни такомиллаштириш масалаларини, Ж.Девид Кюмминс ва Бертранд Венард (David Cumminsand Bertrand Venard) халқаро суғурта бозорининг ўсиш даражаларини, Миллети (Millette), Ж.Мишел (Michael J), Шив Кумар (Shiv Kumar), Ж.Омар (OmarJ), Чаудхари (Chaudhary), М.Жекюлайн (Jacqueline M), Китинг ва И.Стевин (KeatingandStevenI)лар ҳаётни суғурта қилиш соҳаларини ўрганган.

МДҲга аъзо давлатларда суғурта фаолиятининг вужудга келиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, суғурта шартномалари билан боғлиқ масалалар А.П.Архипов, И.В.Амирханова, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, В.С.Белых, Р.Беленков, М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, В.П.Галаганов, В.Б.Гомелля, А.А.Гвозденко, Е.Ф.Дюжиков, А.А.Костин, Д.Маркова, С.В.Поленина, В.К.Рейхер, Е.Г.Решетникова, Н.В.Сильченко, В.Т.Смирнов, В.И.Серебровский, Ю.А.Сплетухов, Д.С.Туленты, К.Е.Турбиное, Д.В.Чухвичев, А.К.Шихов, В.В.Шахов, М.О.Шишханов, М.Я.Шиминова, В.В.Д.Цитата, И.Н.Жук ва А.И.Яфаев каби олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда суғурта хизматини кўрсатиш билан боғлиқ масалаларнинг муайян жиҳатларига И.Б.Зокиров, Б.И.Ибратов, О.Оқюлов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, М.Ҳ.Раҳмонқулов, Ш.Н.Рўзиназаров, Р.Ж.Рўзиев, Ф.Сайфуллаев, М.Б.Усмонов каби ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, суғурта соҳаси билан боғлиқ муаммоларни М.А.Аминжанова «Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизматлари кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари», Н.Н.Абдуллаева «Правовое регулирование страховой ответсвенности», Л.Ғ.Эргашева «Совершенствование использования маркетинга в развитии имущественного страхования в Узбекистане» номли ва А.А.Ядгаров «Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида суғурта механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги тадқиқот ишларида аниқ йўналишлар бўйича тадқиқ этишган.

Юқорида баён этилганлар бозор иқтисодиёти шароитида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ва тадбиркорлик қонунчилиги, шунингдек, соҳага оид халқаро ҳужжатлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертациянинг мавзуси Тошкент давлат юридик университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти илмий-тадқиқот ишлар режаларига мувофиқ «Ўзбекистон коллизион қонунчилигини такомиллаштириш ва кодификациялаш муаммолари, ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти ва фуқаролик ҳуқуқи ютуқларини назарий тадқиқи этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари» (2017-2018 й.й.) ҳамда «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлари асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш йўналишлари» (2017-2018 й.й.) илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича умумназарий хулосалар ва қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта хизматлари кўрсатишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатидаги моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил этиш;

фуқаролик қонун ҳужжатларида суғурта хизматларини кўрсатишга оид ҳуқуқий қоидаларнинг ривожланишини тадқиқ этиш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта хизматлари кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш принципларини илмий таҳлил қилиш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасидаги шартномаларнинг ўрни ва аҳамиятига тавсиф бериш;

суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича шартномаларнинг тарафлари ва уларнинг ҳуқуқий мақомига баҳо бериш;

суғурта хизматларини кўрсатишга оид фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғурта хизматларини кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик шартлари ва асосларини таҳлил қилиш;

суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари, мазкур соҳада фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг қўлланилишига оид илмий доктрина, ҳуқуқни қўллаш ва иқтисодий судлар амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, анализ ва синтез, умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, формал-юридик таҳлил, статистик маълумотларни ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келишида суғурта ҳодисаси ҳисобланмайдиган асослар қаторига барча моддий маданий мерос объектларига ҳам шикаст етказилиши ёки йўқ қилиб юборилиши мумкинлиги ҳолатини киритиш лозимлиги асослантирилган;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини судлар томонидан бир хилда ва тўғри қўллаш мақсадида Суд амалиёти тўғрисидаги қарорни ишлаб чиқиш асослаб

берилган;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларни қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган қоидалар ишлаб чиқилган ҳамда миллий қонунчиликни халқаро стандартларга унификациялаш, ривожланган давлатлар қонунчилиги билан ўзаро уйғунлаштириш зарурати асосланган;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳамда ходимларининг ҳуқуқий, иқтисодий, менеджмент, маркетинг каби соҳалар бўйича билимларини ҳамда суғурта шартномаларини тузиш ва унга амал қилиш маданиятини янада ошириш мақсадида уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш зарурати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, суғурта амалиётида мавжуд бўлган муаммоли ҳолатларни ва суғурта хизматларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида, Суғурта департаментини ташкил қилиш лозимлиги асослаб берилган;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келишида суғурта ҳодисаси ҳисобланмайдиган асослардан бири сифатида моддий маданий мерос объектларига шикаст етказилиши ёки йўқ қилиб юборилиши ҳолатларини Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунда белгилаш асослантирилган;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя чораларини янада кучайтириш юзасидан Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишининг ҳар бир боби охирида, шунингдек, диссертация ишининг якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган таклифлар фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи фанларида мавжуд назарий қарашларни, суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасига оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида илгари сурилган.

Хулосалар тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид муаллифнинг қарашлари, таклиф ва мулоҳазалари ҳамда фойдаланилган статистик материаллар ва ўрганилган суд материаллари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти ҳамда

фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи фанлари назариясидаги концептуал муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг ечимини топиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, муаллиф томонидан охирги уч йил (2015-2017 йиллар ҳамда 2018 йилнинг 9 ойи)да Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти иқтисодий судлари томонидан суғурта низолари билан боғлиқ кўрилган жами 80 та иш ўрганилган ва улардан тадқиқот ишида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик, тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, улар томонидан суғурта хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасини тартибга солувчи миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришда, шунингдек, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтининг «Фуқаролик ҳуқуқи» фани бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда ҳамда суғурта хизматларини кўрсатиш шартномалари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш бўйича иқтисодий судлар амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

транпорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келишида суғурта ҳодисаси ҳисобланмайдиган асослар қаторига барча моддий-маданий мерос объектларига ҳам шикаст етказилиши ёки йўқ қилиб юборилиши мумкинлиги ҳолатини киритишга оид таклифлардан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-476-сонли қонунининг ишлаб чиқилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йилнинг 4 майдаги 06/1-05/7126х-сон маълумотномаси). Таклифнинг инобатга олиниши моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга доир нормалар билан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўртасидаги коллизион ҳолатларни бартараф этишга ҳамда суғурталовчи ва суғурта қилдирувчилар ўртасидаги турли келишмовчилик-ларнинг олдини олишга хизмат қилган;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини

мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини судлар томонидан бир хилда ва тўғри қўллаш мақсадида Суд амалиёти тўғрисидаги қарори Олий суд Пленуми томонидан «Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида»ги 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йилнинг 27 апрелдаги ПЛ-22-18-сон маълумотномаси). Ушбу қарор асосида судлар фаолиятида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш имконияти яратилган;

мамлакатимизда суғурта бозори ривожланаётган даврда вужудга келиши мумкин бўлган салбий иллатларни олдини олиш ва уларга қарши самарали курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси қошида Суғурта департаментини ташкил қилишга оид таклифлардан «Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Суғурта назорати давлат инспекциясининг 2018 йилнинг 1 ноябрдаги СА 16-02-32-20/612-сон маълумотномаси). Таклифсуғурта бозорида қонунийликни таъминлашга ҳамда суғурталовчи ва суғурта қилдирувчилар ўртасидаги турли келишмовчи-ликларнинг олдини олишга хизмат қилган;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва тажрибасини янада орттириш мақсадида, уларни ўқитишга оид таклифлардан «Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Суғурта назорати давлат инспекциясининг 2018 йилнинг 1 ноябрдаги СА 16-02-32-20/612-сон маълумотномаси). Таклифсуғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, «Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада такомиллаштириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2009), «Хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2010), «XXI аср – интелектуал авлод асри» (Тошкент, 2017), «Корпоратив бошқарув: жорий ҳолат: муаммолар, тенденциялар ва ривожланиш истиқболлари» (Тошкент, 2017), «Trendofmodernscience 2017» (England, 2017), «Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали

жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (Тошкент, 2018) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21та илмий иш, жумладан 1та монография, журналларда 13 та (халқаро 2 та) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 3 та боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 155 саҳифадан иборат матн, 8та илова (21 бет)дан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи**» деб номланиб, унда суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта хизматлари кўрсатишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатидаги моҳияти ва аҳамияти, суғурта хизматларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари,

фуқаролик қонун ҳужжатларида суғурта хизматларини кўрсатишга оид ҳуқуқий қоидаларнинг ривожланиши, суғурта хизматлари кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш принциплари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Диссертацияда жамиятда мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг самарали ҳал этилиши, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари таъминланишининг моддий ва маънавий кафолатлари мавжуд бўлишини тақозо этиши, суғурта эса мазкур кафолатларнинг ҳуқуқий-амалий механизми бўлиб, энг аввало, у тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бозор муносабатларига хавфсирамасдан киришишида, тегишли таваккалчиликка йўл қўйиши учун имкониятлар яратишда намоён бўлиши таъкидланади.

Изланувчи суғурта муносабатларининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихини ўрганади, шунингдек, ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар (М.Юсупов, Э.Ҳожиев, Т.Умаров, В.А.Чжен, Л.Н.Клоченко, К.И.Пылов, Т.Маликов, Х.Шеннаев, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, Жон Сломан, Марк Сатклиф, И.Ю.Цекова, А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой) томонидан миллий

қонунчилик ҳамда хорижий мамлакатлар (Россия, Хитой, Украина, Беларусь, Камбожа) қонунчилигида берилган таърифлар асосида «суғурта» тушунчасини таҳлил қилади ҳамда унинг натижалари асосида муаллифлик таърифини асослаб беради.

Тадқиқот ишида «суғурта фаолияти», «суғурта хизмати» тушунчаларининг мазмун-моҳияти, ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари илмий таҳлил этилади, Бутунжаҳон савдо ташкилотининг Хизматлар савдоси бўйича Бош келишуви, Литва, Чехия давлатларининг қонунчилиги қиёсий ўрганилади ҳамда уларнинг қонуний таърифларини ишлаб чиқиш зарурлиги асослантирилиб, муаллифлик нуқтаи назари илгари сурилади.

Муаллиф томонидан суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми хорижий давлатлар (Беларусь, Литва, Россия, Қозоғистон, Хитой, Чехия, Украина) қонунчилигида турлича белгиланганлигини ўрганади ҳамда иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш асносида «суғурталовчи», «суғурта воситачиси», «суғурта брокери», «аджастер», «актуарий», «сюрвейер», «ассистанс» тушунчаларига таърифлар берилади ҳамда уларни миллий қонунчиликда белгилаш лозимлиги эътироф этилади.

Шунингдек, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиш учун қуйидаги талабларга эга бўлиш лозимлиги асослантирилади:

1) тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлиш (суғурталовчилар);

2) суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олиши (суғурталовчилар);

3) тижоратчи ташкилотчи сифатида юридик шахс мақомига эга бўлиши (суғурталовчилар, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, актуарийлар);

4) хизматларни суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида кўрсатиши (суғурта ва қайта суғурта брокерлари);

5) тегишли суғурта хизматларини кўрсатувчи суғурта бозорининг айрим профессионал қатнашчилари юридик шахс билан бир қаторда, жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин ҳамда улар фақат суғурталовчининг топшириғи асосида муайян хизматларни кўрсатишлари (суғурта агентлари, аджастерлар, ассистанслар);

6) суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) ва бошқа буюртмачининг топшириғи асосида хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар ўз штатида тегишли мутахассисларга, жисмоний шахслар эса профессионал билим ва малакага эга бўлиши (аджастерлар, суғурта сюрвейерлари);

7) махсус ваколатли давлат органидан белгиланган тартибда малака сертификатини олган бўлиши (актуарийлар);

8) суғурта экспертизаси ўтказиш ваколатига эга бўлишлари (суғурта сюрвейерлари);

9) суғурта бозорининг профессионал қатнашчиларининг ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришлари;

10) ўз айби билан етказилган зарар бўйича амалдаги қонунчилик асосида у моддий жавобгар ҳисобланиши (суғурта агентлари).

Диссертацияда мамлакатимизда суғурта бозорини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳамда уларнинг иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, миллий суғурта бозорида тадбиркорликни барқарор ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилашдаги аҳамияти тадқиқ этилади.

Шу билан бирга, диссертант мустақиллик йилларида суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва 50 га яқин қонуности ҳужжатларини тизимлаштириш, ягона кодификациялашган норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида «Суғурта кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим», деган хулосани илгари суради.

Изланувчининг фикрига кўра, мазкур кодексда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги мажбурий суғурта қилишга оид қонун нормалари алоҳида боблар сифатида баён этиш ҳамда қонуности ҳужжатларидаги (масалан, «Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида»ги, «Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида»ги, «Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги ҳамда «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида»ги низомларнинг) тегишли қоидаларни ифода этиши зарур.

Мазкур дастуриламал ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири – суғурта хизматларининг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилиши эътироф этилади.

Муаллиф суғуртага оид ҳуқуқий муносабатларнинг принциплари борасида И.Б.Зокиров, К.Синдаров, Ф.Шодманов, Т.А.Умаров, Н.С.Нарматов, К.Е.Турбиной, Т.В.Степанова, В.Ю.Абрамов, Д.В.Славецкий каби олимларнинг фикрларини ҳамда «Бутунжаҳон Савдо ташкилотини ташкил этиш тўғрисида»ги шартнома, «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишув ҳамда хорижий давлатларнинг қонунларини илмий таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунига *қонунийлик; ошкоралик; суғурта шартномасини тузиш эркинлиги; суғурта муносабати иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги; тарафларнинг тенглиги; тарафлар ўртасида суғурта мажбуриятининг мавжудлиги, суғурта таваккалчилиги; суғурта муносабатларида кучсиз тарафни ҳимоя қилиш; суғурта шартномасига кўра ҳуқуқлари бузилган тарафнинг ҳуқуқларини тиклаш ва суд орқали ҳимоя қилиш ва ҳаққонийлик каби*

принципларни киритиш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи қоидаларни белгилаш лозимлигини асослантиради. Шунингдек, ушбу принципларнинг мазмуни бўйича қонун нормалари таҳрири илгари сурилади.

Диссертациянинг **«Суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг қўлланилиши ва ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасидаги шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти, суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича шартномаларнинг тарафлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, ушбу шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ўзига хос жиҳатларига доир масалалар таҳлил этилади.

Муаллифнинг нуқтаи назарига кўра, суд амалиёти таҳлили ҳам суғурта шартномаларининг шартларини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Жумладан, суғурта қилдирувчилар томонидан суғурталовчилардан суғурта пулини талаб қилиб олишда юзага келаётган муаммолар сирасига суғурта қилдирувчиларнинг ҳар доим ҳам суғурта шартномаси шартларини тўлиқ ўзлаштирмаганлиги, наф пулларини талаб қилиб олиш учун зарур маълумотларни тақдим этмаслиги ёки лозим бўлган бошқа ҳаракатларни ўз вақтида бажармаслиги ва айрим ҳолатларда суғурталовчиларнинг наф пулини тўлашни асоссиз равишда рад этиши каби ҳолатларни киритиш мумкин.

Шу боисдан, суғурта шартномалари учун хос бўлган хусусият – унинг оммавий асосларини, шу жумладан, тегишли муносабатларни ривожлантиришнинг барча босқичлари, яъни шартномани тузишдан (масалан, мазкур холат мажбурий суғуртанинг моделидан фойдаланишда инобатга олиниши мумкин) то унда назарда тутилган мажбуриятларни асосий фигура – суғурталовчи томонидан ижро этишгача бўлган муносабатларни (М.И.Брагинский), унинг мазмунида суғурта манфаати, суғурта таваккалчилиги, суғурта суммаси, шартноманинг амал қилиш муддати каби муҳим шартларни тўла баён этиш лозим (В.П.Галаганов), деган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Диссертацияда амалиётда кенг қўлланилаётган «франшиза»нинг ҳуқуқий асосларини белгилаш мақсадида Фуқаролик кодексига алоҳида «Франшиза» деб номланган 929[1]-моддани белгилаш зарурлиги асослантирилади. Бу ўринда изоҳли луғатларда қўлланилган тушунчалар («франшиза – суғурталовчини муайян ўлчамдан ошмайдиган зарарни тўлашдан озод этадиган суғурта шартларидан бири эканлиги; суғурта суммасига доир фоизларда ёки қатъий суммада белгиланиши мумкинлиги»), шунингдек халқаро ҳужжатларда (масалан, Халқаро Савдо палатасининг 1993 йилдаги 500-сонли нашрида («Ҳужжатли аккредитивлар учун унификацияланган қоида ва одатлар») «франшиза суғурталовчиларни зарарни, агарда у муайян фоиздан ошмаган тақдирда, тўлашдан озод этишга хизмат қиладиган суғурта полисидаги шарт» эканлигига оид қоидаларни инобатга олиш лозимлиги асослантирилади. Қолаверса, ушбу тажрибани

Франция ва Қозоғистоннинг фуқаролик қонунчилигида, Украинанинг «Суғурта тўғрисида»ги қонунида кузатиш мумкин.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, бугунги кунда суғурта шартномаси билан боғлиқ низоли ишларни судга қадар ҳал қилиш чораларини кўриш (медиация) учун Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари Ассоциацияси ҳузурида ҳакамлик судларини ташкил этиш ҳамда амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, истеъмолчиларга аҳолига кўрсатаётган суғурта хизматларининг оммавий турларини кўрсатиш борасида намунавий шартномалар ишлаб чиқиш лозим.

Маълумки, кейинги пайтда суғурта хизматларини кўрсатишда суғурта агентларининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Шу билан бирга, суғурта агентлари фаолиятида ҳам муайян камчиликлар учраб туриши кузатилмоқда. Яъни, мазкур камчиликлар, *биринчидан,* айрим суғурта агентларининг ўз мажбуриятларини тўла англаб етмасликларида; *иккинчидан,* улар томонидан суғурта қилдирувчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ҳамда тўлақонли тушунтирилмаслигида ёхуд нотўғри тушунтирилишида; *учинчидан,* суғурта шартномаси тузишда ва суғурта товони тўлашда ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирилмаганликда, яъни суғурта қилдирувчилар томонидан тўланган суғурта товонларининг ўз вақтида суғурталовчининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилмаганлигида, оқибатда эса суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида муайян келишмовчиликлар учраб тураётганлигида кабиларда кузатилмоқда.

Бу борада, изланувчи «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳамда «Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида»ги низомда суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи суғурта агентлари ҳисобланган жисмоний шахслар ҳамда юридик шахслар масъул мансабдор шахсларининг лавозим талабларини (маълумотига, иш стажига кабилар бўйича) белгилаш лозим, деган хулосани илгари суради.

Шунингдек, суғурта қилдирувчилар суғурта шартномасини тузишдан аввал мазкур шартноманинг афзаллиги, унинг ижобий ва салбий оқибатлари тўғрисида ўзларига тегишли маслаҳатларни олишлари ҳамда келгусида суғурта билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш мақсадида суғурта компаниялари ҳамда уларнинг жойлардаги филиаллари қошида юридик маслаҳатхоналарни очиш зарурлиги илгари сурилади.

Диссертациянинг «**Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғурта хизматларини кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик масалалари**» деб номланган учинчи бобида суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғурта хизматларини кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик шартлари ва асослари, соҳада ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини ривожлантириш масалалари ҳамда суғурта бозорининг профессионал

иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилади.

Тадқиқот ишида ҳуқуқшунос олимлар (Ҳ.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, Ш.Н.Рўзиназаров, Р.Д.Рузиев, Ф.Ю.Шодманов, З.Ш.Шомуҳамедова, Н.Н.Абдуллаева, М.А.Аминжонова, Ю.К.Толстой, А.П.Сергеев) билдирган фикрлар таҳлили асосида суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғурта хизматларини кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик шартлари ва асослари ўрганилади.

Айни пайтда, суғурта бозорида ривожланиш даврида янги вужудга келган профессионал иштирокчилар – суғурталовчи, суғурта воситачиси, аджастер, актуарий, суғурта сюрвейери ҳамда ассистанснинг хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаганлиги эътироф этилади.

Муаллифнинг фикрича, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳар бирининг шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солиш асослари бир-биридан фарқ қилиши асослантирилади.

Бу борада суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кимнинг олдида жавоб бериши лозимлигига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш лозимлиги таҳлил этилади:

1) воситачилик ҳамда суғурта брокери хизматини кўрсатиш шартномалари белгилари ўзаро мужассамлашган шартнома муносабатларида юридик шахс мақомига эга бўлган суғурта брокерининг суғурта қилдирувчи олдидаги жавобгарлиги;

2) воситачилик ҳамда топшириқ шартномалари (агент битимлари) белгилари ўзаро мужассамлашган шартнома муносабатларида юридик ёки жисмоний шахс мақомига эга бўлган суғурта агентининг суғурталовчи олдидаги жавобгарлиги;

3) воситачилик ҳамда аджастер хизматларини кўрсатиш шартномалари белгилари ўзаро мужассамлашган шартнома муносабатларида юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахс мақомига эга бўлган аджастернинг суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи олдидаги жавобгарлиги;

4) актуар хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида юридик ёки жисмоний шахс мақомига эга бўлган актуар ташкилотнинг суғурталовчи олдидаги жавобгарлиги;

5) воситачилик ҳамда суғурта сюрвейери хизматини кўрсатиш шартномалари белгилари ўзаро мужассамлашган шартнома муносабатларида суғурта сюрвейерининг суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи олдидаги жавобгарлиги;

6) воситачилик ҳамда ассистанс хизматини кўрсатиш шартномалари белгилари ўзаро мужассамлашган шартнома муносабатларида ассистанснинг суғурталовчи олдидаги жавобгарлиги.

Шунингдек, «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишувда кенг қўлланилаётган «ретроцессия» атамасининг мамлакатимизда амал қилаётган айрим меъёрий ҳужжатларда нотўғри қўлланилаётганлиги асослантирилади ва унинг натижаларига кўра «ретроцессия шартномаси» билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қоидаларни «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунда белгилаш лозим, деган хулоса илгари сурилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда суғурта соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари таҳлилидан ҳамда Европа Иттифоқи, Германия, Швейцария каби ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, «Суғурта шартномалари тўғрисида»ги, «Суғурта соҳасида хусусий тадбиркорликни ташкил этиш тўғрисида»ги, «Гаровга қўйилаётган мол-мулкларни суғурталаш тўғрисида»ги, «Кредитларни суғурталаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга оид таклифлар асослантирилади.

Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари – аджастерлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанслар ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг барча жиҳатларини тартибга солиб турувчи низомларни ҳамда Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси томонидан «Суғурта бозори профессионал иштирокчилари касбий этикаси тўғрисида»ги кодексни қабул қилиш, ишсизлик ҳолатида суғуртадан фойдаланиш механизмларини жорий этиш масаласини муҳокама қилиш[1] лозимлиги эътироф этилади.

Диссертантнинг таъкидлашича, суғурта бозорини ривожлантириш нафақат миллий, балки халқаро доирада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, бир давлат юридик ва жисмоний шахсларининг бошқа давлат ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, шунингдек, йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиқларини ҳимоя қилишда суғуртанинг ролини ошириш, қолаверса, давлатларнинг суғурта тўғрисидаги миллий қонунларини уйғунлаштириш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бунинг учун қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, халқаро ташкилотлар (БМТ, БСТ, МДҲ, ШҲТ кабилар) доирасида суғурта соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувларни қабул қилиш;

иккинчидан, миллий давлатлардаги суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун тегишли таклифларни ҳамда халқаро даражада тавсиявий хусусиятга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида,

[1]*Изоҳ*: Халқаро меҳнат ташкилотининг 1934 йил 23 июнда Женева шаҳрида ўтказилган Бош конференциясининг 18-сессиясида «Ишсизлик ҳолатида суғурта қилиш ва ишсизларга ёрдам беришнинг турли кўринишлари ҳақида»ги 44-сонли Тавсиялар қабул қилинган ва 1938 йил 10 июнда кучга кирган. *Манба*: https://nrm.uz

Миллий суғурта бозорлари профессионал қатнашчилари уюшмалари ташкилоти ёки Бутунжаҳон суғурта ташкилотини ташкил этиш;

учинчидан, Намунавий (модел) суғурта кодексини ва бошқа суғурта хизматларининг муайян турлари бўйича қонунларни, шунингдек, «Миллий суғурта бозорлари профессионал иштирокчиларининг касбий этикаси тўғрисида»ги кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим, деган хулосага келинади.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини ривожлантириш бўйича тавсиялар илгари сурилади:

I. Суғурта хизматларини кўрсатишга оид шартномавий муносабатларга доир илмий-назарий хулосалар:

